Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 20 октябрь, № 223 (8566) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЭРИШИЛГАН ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ВА КЕЛГУСИ ПРОГНОЗЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида жорий йилнинг 9 ойида эришилган иқтисодий натижалар, йил якунигача кутилаётган кўрсаткичлар ва 2024 йилга мўлжалланган макроиқтисодий прогнозлар муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг 9 ойида мамлакатимиз иқтисодиёти 5,8 фоизга ўсди. Жумладан, саноат 5,7 фоиз, қишлоқ хўжалиги 4,1 фоиз, хизматлар 12,1 фоизга ошди.

Жаҳон бозорлари ва логистикадаги мураккабликларга қарамай, экспорт 23,5 фоизга ошиб, 17,7 миллиард долларни ташкил қилди.

Иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ҳудудларда йирик саноат ва инфратузилма лойиҳалари амалга оширилаётгани ҳисобига 226,6 триллион сўм инвестициялар ўзлаштирилиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 11,8 фоизга кўпайди.

Йиғилишда жорий йил якунигача кутилаётган кўрсаткичлар таҳлил қилинди.

Давлатимиз раҳбари дунёдаги оғир вазият иқтисодиётга салбий таъсир этаётгани ва номаълумлигича қолаётгани, шу боис барқарор иқтисодий ўсишни изчил давом эттириш учун ички имкониятларни кўпроқ ишга солиш зарурлигини таъкидлади.

Айнан шунинг учун 2023 йилдан қўшилган қиймат солиғи 15 фоиздан 12 фоизга туширилди. Бунинг эвазига тадбиркорлар ихтиёрида 7 триллион сўм қўшимча маблағ қолди.

Шунингдек, ҳудудлар инфратузилмасини яхшилашга 35 триллион сўм, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга 19 триллион сўм йўналтирилди.

Шуларнинг натижасида, жорий йилда нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан глобал иқтисодиёт 3 фоиз ўсиши прогноз қилинаётган пайтда миллий иқтисодиётимиз камида 5,6 фоизга ошиши кутилмоқда.

Йиғилишда 2024 йилда барқарор иқтисодий ўсишга эришиш чора-тадбирлари атрофлича муҳокама қилинди.

Маълумки, жорий йил сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон — 2030" стратегияда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича кўплаб мақсад ва вазифалар белгиланди. Ҳукуматга 2024 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурни мазкур стратегиядаги вазифаларни бажариш нуқтаи назаридан пухта ишлаб чиқиш топширилди.

Бунда ялпи ички маҳсулотнинг ҳозирги ўсиш суръатини келгуси йилда ҳам давом эттириш учун барча имконият ва захиралар борлиги кўрсатиб ўтилди.

Хусусан, 2024 йилда 13 миллиард долларлик 300 дан зиёд лойиҳаларни ишга тушириш, энергия таъминотини барқарорлаштириш, тармоқлар самарадорлигини ошириш ҳисобига саноатда 6 фоиз ўсиш имконияти бор.

Хизматлар соҳасида 15 фоиз ўсишни таъминлаш учун транспорт, логистика, агрохизматлар, суғурта, лизинг каби йўналишлардаги фойдаланилмаётган имкониятларни тўлиқ ишга солиш зарурлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари транспорт, сув хўжалиги, коммунал каби соҳаларда бошланган ислоҳотларни фаоллаштириш, бунда аҳоли ва бизнесни қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият қаратиш зарурлигини таъкидлади.

ЎзА.

Дунё нигоҳи

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ЎЗАРО СИЁСИЙ ИШОНЧНИ МУТТАСИЛ МУСТАҲКАМЛАБ, ТЕНГЛИК, ЎЗАРО ҲУРМАТ ВА МАНФААТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРМОҚДА

Ўзбекистон Президентининг ХХРга ташрифи ва «Бир макон, бир йўл» учинчи халқаро форуми тадбирларида иштироки Хитой ОАВ диққат марказида.

Хитойнинг етакчи оммавий ахборот воситалари — "Синьхуа" ахборот агентлигида, "Жэньминь жибао" ва "China Daily" газеталарида, "CGTN" телеканалида, "Китай", "Lookwe" ва "Psearcher" журналларида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 17-18 октябрь кунлари Пекинда бўлиб ўтган "Бир макон, бир йўл" учинчи халқаро форумида иштироки ва унинг нутқи кенг ёритилди.

Жумладан, **"Синьхуа" ахборот агентлиги** хабарида қайд этилишича, Президент Шавкат Мирзиёевнинг "Бир макон, бир йўл" халқаро ҳамкорлик бўйича учинчи юқори даражадаги форумида иштирок этиш учун Хитойга ташрифи доирасида ХХР Раиси Си Цзиньпин билан учрашуви бўлиб ўтди.

"Музокаралар чоғида икки давлатнинг ривожланиш мақсадлари ўхшашлиги, Хитой Ўзбекистон билан биргаликда миллий модернизация жараёнида ўзаро ўрганиш ва инвестициялар ҳажмини оширишга ҳамда умумий тақдирнинг хитой — ўзбек ҳамжамиятини биргаликда барпо этишга тайёр экани таъкидланди. Томонлар савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик бўйича ўрта ва узоқ муддатли режани самарали амалга ошириши, муҳим йўналишларда ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш ва Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли лойиҳаси қурилишини тезроқ бошлаш учун шарт-шароит яратиш кераклигини қайд этдилар", деб ёзган "Синьхуа" мухбири.

Нуфузли **"Жэньминь жибао" газетасида** Ўзбекистон Президенти "Бир макон, бир йўл" учинчи халқаро форумида иштироки доирасида Халқ сиёсий маслаҳат кенгаши Бутунхитой қўмитаси раиси Ван Хунин билан учрашув ўтказгани ҳақидаги материал муштарийлар эътиборига тақдим қилинган.

"Икки давлат тараққиётга ўхшаш қарашларга эга ва модернизация йўлида яхши ҳамкор, — деб ёзади газета мухбири. — Хитой Ўзбекистон билан икки давлат раҳбарлари эришган муҳим консенсусни амалга ошириш, ўзаро қўллаб-қувватлаш, ҳамжиҳатлик ва ишончни сақлаш, "Бир макон, бир йўл" ташаббуси доирасида юқори сифатли ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр".

Ушбу мамлакатнинг оммабоп **"China Daily" газетасида** ҳам Ўзбекистон Президентининг Пекингга амалий ташрифи тафсилотлари кенг ёритилди. Давлатимиз раҳбари ташрифига бағишлаб чоп этилган мақолада Хитой янги энергетика ва инновациялар каби соҳаларда ҳамкорликни кучайтиришни қўллаб-қувватлаши, мамлакат Ўзбекистондан кўпроқ сифатли маҳсулотлар импорт қилишга тайёр экани қайд этилган.

Нашрда таъкидланишича, тобора кўпроқ ўзбек ёшлари Хитойда таълим олишлари мумкин, Хитой эса ўзбекистонлик талабалар учун кўпроқ стипендия квоталари ажратишга тайёр.

"Ўзбекистон камбағалликка қарши курашда Хитой тажрибасидан фойдаланишга, "Бир макон, бир йўл" ташаббуси доирасида турли соҳаларда ҳамкорлик ва алмашинувларни чуқурлаштиришга ҳамда "Яшил Ипак йўли"ни биргаликда барпо этишга кўмаклашади", дейилади газетада.

"Beijing Review" журналида чоп этилган мақолада таъкидланганидек, икки давлат ўртасидаги сиёсий-дипломатик ҳамкорлик, савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқалар жадал ривожланмоқда. Қайд этилишича, Ўзбекистон ва Хитой бир-бирини ишончли ҳамкорлар деб билади ва икки мамлакат халқлари фаровонлиги йўлида ҳар томонлама стратегик шерикликни мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янги босқичга кўтаришдан манфаатдор.

"Айни пайтда Ўзбекистон ва Хитой ўртасида кўп тармоқли иқтисодий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 8,9 миллиард долларни ташкил этди. Хитой узоқ йиллар давомида Ўзбекистоннинг энг йирик савдо шерикларидан бири бўлиб, республика ташқи савдосининг 18 фоизини ташкил қилади", дейилади мақолада.

"Китай" журналида ушбу мавзуга бағишлаб чоп этилган мақолада таъкидланишича, стратегик шерикликнинг юксак даражаси Хитойнинг "Бир макон, бир йўл" ташаббусини илгари суриш бўйича икки давлатнинг фаол ўзаро ҳамкорлигидан далолат беради. "Ўзбекистон биринчилардан бўлиб халқаро транспорт алоқаларини мустаҳкамлаш, кенг савдо, сармоявий ва гуманитар алмашинувни ривожлантиришга қаратилган ушбу мегалойиҳани қўллаб-қувватлади", дея қайд этилган журналда.

"Lookwe" ахборот-таҳлилий журналида бугунги кунда Ўзбекистоннинг асосий стратегик ҳамкорларидан бири — бу Хитой эканлиги маълум қилинган. "Хитой билан кўп қиррали алоқалар Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни илгари суриш, иқтисодиётни модернизациялаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга муҳим ҳисса қўшмоқда. ХХР билан халқаро майдонда сиёсий мулоқот ва ўзаро ҳамкорлик республика ташқи сиёсати ва ташқи иқтисодий фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айланди", дея қайд этилган босма нашрда.

Мақола хулосасида "Ўзбекистон ва Хитой ўзаро сиёсий ишончни мустаҳкамлаб, тенглик, ўзаро ҳурмат ва манфаатларни ҳисобга олган ҳолда икки томонлама муносабатларни ривожлантирмоқда", деб ёзган "Lookwe" мухбири.

«Дунё» АА.
Пекин

«Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси — амалда

ҲАР БИР НИҲОЛ ОРЗУ-УМИДЛАРИМИЗ РЎЁБИ БЎЛИБ ЯПРОҚ ЁЗСИН!

Бугун она сайёрамизда иқлим ўзгаришлари юз бериб, биохилмахилликка тобора кўпроқ путур етаётгани, атроф-муҳит ва ҳавонинг ифлосланиб бораётгани бутун дунё ҳамжамиятини ташвишлантирмоқда. Табиатдаги бундай салбий ўзгаришлар инсон саломатлигига жиддий хавф туғдириб, экотизимнинг издан чиқиши ва чўлланиш даражасининг ошиб боришига олиб келаётгани рост.

Бинобарин, кутилаётган табиий инқирозни фақат дарахт экиб, боғ-роғлар яратиб, атрофимизни яшилликка буркаш орқали бартараф этиш мумкин. Атроф-муҳитга ижобий муносабатни эса ҳар бир инсон, аввало, ўзида шакллантирса, бу авлодлар олдидаги бурч ва садоқатни англатади.

Президент Шавкат Мирзиёев шу йилнинг 14 октябрь куни Тошкент шаҳридаги Оқтепа маҳалласида жамоатчилик вакиллари билан бирга кўчат экиб, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасининг кузги мавсумига старт берди. Ана шундай улуғ ният билан ҳаёт кечириш, фарзандларни шу руҳда тарбиялаш халқимиз турмуш тарзи, азалий қадриятларининг асл ўзагини ташкил этади.

Қуйида мамлакатимизнинг бир қатор вилоятларида ушбу умумхалқ ҳаракати — кўчат экиш мавсумидаги хайрли ишлар ҳақида ҳикоя қиламиз.

Мусаффо осмон, тоза ҳаво, соғлом келажак учун

Бу умумхалқ ҳаракатига Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа тумани аҳли биринчилардан бўлиб қўшилди. "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида кўчат экиш тадбирида аҳоли фаол иштирок этмоқда. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда қишлоқ ва сув хўжалигига алоқадор ташкилотлар раҳбарлари ҳамда тумандаги намунали фермер ҳамда томорқачилар қатнашиб, дала четида тайёрланган майдонга узум ва тут дарахти кўчатларини экишга киришдилар.

— Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бошланган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасидаги кузги дарахт экиш ишларига сувчиларимиз ҳам фаол киришди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси сув хўжалиги вазири Б. Жузбаев. — Сув хўжалиги объектлари атрофлари, канал ва коллекторлар бўйларига куз мавсумининг ўзида 129 минг туп кўчат экиш назарда тутилган.

4

Халқаро форум

ТУРИЗМ ТАЪЛИМИ: ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Самарқандда ўтаётган Бутунжаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеясининг 25-сессияси доирасида "Global Forum on Education: The Foundation of Building Tourism" халқаро таълим форуми бўлиб ўтди. Унда хорижий ва маҳаллий олий ўқув юртлари ректорлари, профессор-ўқитувчилари қатнашди.

Форумда таъкидланганидек, Самарқанд шаҳри қадимдан Буюк Ипак йўлидаги энг муҳим таълим маркази бўлган. Жумладан, Регистондаги ҳар учала бино ҳам мадраса вазифасини ўтаган. Бу ерда ўз замонаси учун муҳим ва илғор билимлар берилган. Охирги йилларда Ўзбекистонда таълим ҳамда туризм ривожига катта эътибор қаратиляпти. Натижада пешқадам ўқув юртларининг сони 16 тадан 30 тага, талабалар сони эса 4 мингдан 12 минг нафарга ошди. Айниқса, туризм соҳаси учун мутахассисларни тайёрлаш ҳам янги босқичга чиқди.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти бош котиби Зураб Пололикашвили туризмни ривожлантиришда таълимнинг аҳамияти хусусида ўз мулоҳазаларини билдирди.

— Форум туризм таълими соҳасидаги долзарб муаммоларга бағишланган, — деди у. — Бугунги кунда таълим усуллари ўзгармоқда. Янги технологиялар, жумладан, сунъий интеллект кўплаб имкониятларни очиб беради, лекин айни пайтда кўплаб муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Уларни тўғри ҳал қилиш учун биз бизнес ва туризмнинг келажаги бўлмиш ёшларни тинглашимиз керак.

3

Биз ва жаҳон

«БЕЛАРУСЬ – ЎЗБЕКИСТОН» ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Беларусь хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар жамияти таркибида "Беларусь — Ўзбекистон" дўстлик жамиятига асос солинди.

"Дўстлик уйи"да бўлиб ўтган таъсис йиғилишида Беларусь ва Ўзбекистон ўртасида ўрнатилган дўстона ҳамда ишончли муносабатлар муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди. Бундан ташқари, алоқалар кўп йўналишларда ривожланмоқда. Халқ дипломатияси эса давлатлараро муносабатларни тўлдирувчи ва бардавомлигини таъминловчиси ҳисобланади.

3

Мавсум ташвишлари

ҚИШ ЭШИК ҚОҚМОҚДА, БИЗ БУНГА ҚАНЧАЛИК ТАЙЁРМИЗ?

Ҳар фаслнинг ўз фазилати бор. Куз ҳам баъзида илиқ, гоҳида эса салқин келади. Кузнинг совуғи қишникидан ёмон, деганларидек, ёзнинг иссиғига ўрганиб қолган инсон ҳароратнинг дабдурустдан пасайиб кетишига мослашиши қийин кечиши ҳам бор гап. Бунинг олдини олиш учун эса об-ҳавонинг кескин ўзгаришига доим шай туришимиз керак. Ҳадемай қаҳратон қиш эшик қоқади. Хўш, биз бунга қанчалик тайёрмиз?

Зукко ўқувчи "тайёр" деганда электр гоҳида ўчиб қолганда ёки газ босими пасайиб кетганда қандай муқобил манбадан фойдаланиш чораси кўрилаётгани назарда тутилаётганини англади, албатта. Бундай деяётганимизнинг боиси ўтган йилги қиш фаслидаги аномал совуқда кутилмаганда электр ва газнинг ўчиб қолиши аҳолига жуда катта ноқулайлик туғдирди.

Бунга эса ҳаддан ташқари совуққа нимстанциялар дош бера олмагани, иссиқлик узатиш тизими, газ таъминоти ҳаво кескин совиб кетган ҳолатда ишлай олмагани, бунга мослаштирилмагани сабаб бўлди. Чунки бу тизимлар жуда эски бўлиб, авария ҳолати рўй берганда қўшимча манбалардан фойдаланиш имконияти яратилмаган эди.

Хуллас, ўтган куз-қиш мавсуми таъминотчи корхоналар тайёргарлигини яна бир бор синовдан ўтказиб, уларнинг олдига улкан вазифаларни қўйди.

Муқобил ёқилғи мувозанатни тиклайдими?

Шубҳасиз, табиатдаги беқарорлик, иқлим ўзгаришлари бугун ҳар қандай вазиятга тайёр туришни тақозо этади.

3

21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни

ШУ ЮРТ ФАРЗАНДИ БЎЛГАНИМДАН ФАХРЛАНАМАН

Инсон зоти борки, у қаерда, қайси мамлакатда дунёга келса, ана шу ер унинг она Ватанига айланиб қолади, унинг учун ҳар нарсадан қимматли ва бебаҳо бўлади. Шу маънода, гарчи рус миллатига мансуб бўлсам-да, Ўзбекистонда киндик қоним тўкилган ва мен шу юртда туғилганимдан, шу юрт фарзанди бўлганимдан фахрланаман.

Тақдир тақозоси билан ота-боболарим бир пайтлар Наманганга кўчиб келиб, умргузаронлик қилган, шу ердаги инсонлар билан дўст-биродар бўлиб ҳаёт кечирган. Мен шу ерда туғилдим, ўзбеклар орасида ўсдим, қўни-қўшниларнинг болалари билан ўйнаб, тўп тепиб катта бўлдим. Лекин бирор марта ҳам уларнинг айирмачилик қилганини эслолмайман. Бунинг устига, гарчи рус мактабида ўқисам-да, қўни-қўшнилар ўзбек бўлгани учун ота-онам ҳам, мен ҳам улар билан ўзбек тилида эркин гаплашардик.

Орадан йиллар ўтди, мен Андижон давлат тиббиёт институтида ўқидим, сўнг Наманганда соғлиқни сақлаш тизимида ишладим. Кейинчалик В. Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида анестезиология ва реаниматалогия мутахассислиги бўйича, Республика кардиология марказида кардиология мутахассислиги бўйича клиник ординатурада ўқидим. Мана,

қарийб 15 йилдирки республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида фаолият кўрсатиб келяпман.

3

ЎЗЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

Маълумки, ҳар бир мамлакатнинг ўз давлат тилига эга эканлиги унинг мустақиллигини белгиловчи асосий мезонлардан ҳисобланади. Шу маънода, мустақиллик тилдан бошланади, десак, сира муболаға бўлмайди.

Ёдингизда бўлса, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши миллий мустақиллик учун курашнинг қизғин палласига тўғри келган эди. Ана шу жараёнда бутун халқимиз бирдам бўлиб, 1989 йил 21 октябрда давлат тили ҳақидаги қонунни қабул қилди. Бу биз учун катта маънавий-ҳуқуқий воқеа, улкан тарихий муваффақият бўлганди.

Янги Ўзбекистон шароитида ҳам ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан кўтариш борасида тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш, Ўзбекистондаги миллат ва элатлар тилларини сақлаш ва ривожлантириш, давлат тили сифатида ўзбек тилини ўрганиш учун шарт-шароитлар яратиш чоралари кўрилди.

2

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2023 йил 20 октябрь

Олий Мажлис Сенатида

ОНА ТИЛИМ – ЖОНУ ДИЛИМ

Олий Мажлис Сенатида Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби билан ҳамкорликда Ўзбек тили байрами кунига бағишланган “Она тилим — фахрим” номли адабий кеча ўтказилди.

Тадбир давомида мактаб жамоаси ва ўқувчилари парламент фаолияти, хусусан, қонунчилик ва қонун ижодкорлиги жараёни билан яқиндан танишди ҳамда сенаторлар билан ўтган жонли мулоқот натижасида сиёсий билим ва кўникмаларини янада бойитди.

Мулоқотда ўзбек тилига оид илмий изланишлар, луғатлар яратиш, хорижий тилларнинг тилимизга ва аксинча, ўзбек тилининг бошқа тилларга таъсири ҳақида ҳам сўз юритилди. Айни чоғда сўнгги йилларда ўзбек тили ва адабиётини тараққий эттириш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтилди.

Ўз навбатида, ўқувчилар томонидан бадиий дастур тақдим этилди. Шу жумладан, драма тўгараги аъзолари тайёрлаган “Қасамёд” спектакли намойиш қилинди. Спектаклда XX аср бошларида ўзбек тили ва адабиёти ривожига катта ҳисса қўшган жадидлар образи гавдалантирилган бўлиб, бу иштирокчиларда илиқ таассурот қолдирди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

МИЛЛАТ МАДАНИЯТИНИНГ КЎЗГУСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Ёшлар масалалари бўйича комиссия ҳамкорлигида 21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни муносабати билан “Тил — миллат руҳи” мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти масъул ходимлари, адабиётшунос олимлар, Ёзувчилар уюшмаси аъзолари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳасида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш, давлат тилининг софлигини сақлаш, унинг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар натижасида расмий-идоравий қоғозлар, асосан, ўзбек тилида юритилмоқда, кўча-кўйдаги эълонлар ҳам давлат тилида берилмоқда.

Тадбирда сўз олган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Хуршид Дўстмуҳамедов, педагогика фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдошев ўзбек тилининг минг йиллик тарихи, жозибадорлиги ва бойлигини, бугунги кунда жаҳон миқёсида 50 миллионга яқин кишилар ўзбек тилида сўзлашаётганини алоҳида қайд этдилар.

Давлат тилининг аҳамиятини янада ошириш, тил сиёсатини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар, ўзбек тилини ривожлантириш борасида чиқарилган адабиётлар, қўлланмалар, шунингдек, ишлаб чиқилган дастурий лойиҳалар борасида батафсил маълумот берилди.

Депутатлар миллат кўзгуси ҳисобланган она тилимизга ҳурматни ҳар биримиз ўзимиздан бошлашимиз кераклигини алоҳида қайд этиб, ўзбек тили мавқеини нафақат юртимизда, балки халқаро майдондаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида ҳам фикр билдирди.

Таниқли хонандалар томонидан ижро этилган она тилига бағишланган куй-қўшиқлар тадбир иштирокчиларига байрамона кайфият улашди.

Якунда депутатлар иштирокида ўтказилган диктант танлови ғолиблари тақдирланди.

Фарида БЎТАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Маънавий-маърифий тадбир давомида ўзбек тилининг қай даражада жозибадорлиги, унинг гўзаллиги иштирокчилар томонидан алоҳида эътироф этилди. Ҳақиқатан ҳам, маънавиятимиз тилимизга муносабатда намоён бўлади. Жамики эзгу ниятлар эса вужудимизга она алласи, она тилининг сеҳри, меҳри билан сингган.

Шу нуқтаи назардан, она тилимизга ҳурмат руҳини биз ҳам оилада фарзандларимиз шуурига сингдирсак, тилимизни севгучи, қадрловчи, асрагувчи авлодни вояга етказган бўламиз.

Гайрат АБДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Ҳозирги кунда она тилимиз нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсида ҳам ўзининг муносиб ўрни ва мавқеига эга бўлиб бормоқда. Хусусан, она тилимиз БМТнинг юксак минбарида, йирик саммит ва учрашувларда баралла янграётгани ҳар биримизни қувонтиради. Хорижий давлатлар ўқувчилари ўртасида ўзбек тили ва адабиёти халқаро олимпиадасини ўтказиш йўлга қўйилгани ҳам она тилимизни кенг тарғиб этишга хизмат қиляпти.

Албатта, юртимизда ўзбек тилини ривожлантиришга бу даражада катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки ўзбек тили биз учун миллий ўзлик ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир. Шундай экан, ҳар биримиз тилга бўлган эътибор ва эҳтиромни мустақилликка бўлган эътибор, она Ватанга эҳтиром ва садоқат, деб билишимиз керак.

ЎЗЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

1 Ўзбек тили ва тил сиёсатини ривожлантириш стратегик мақсадлари, устувор йўналиш ва вазифалари аниқ белгилаб олинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллиги тантаналарида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, туркий тилларнинг катта оиласига мансуб бўлган ўзбек тилининг тарихи халқимизнинг кўп асрлик кечмиши, орзу-интилишлари, дарду армонлари, зафарлари ва ғалабалари билан чамбарчас боғлиқ.

Дарҳақиқат, донишмандлар “Сўз — тарих” дея бежиз эътироф этмаган. Негаки, тил тарихини билиш учун ўша халқ тарихини чуқур ўрганиш талаб қилинади. Бу борада эса бизнинг устунликларимиз кўп. Улуғ аждодларимиз тилимиз тарихига боғлиқ ўлмас асарлар битиб қолдирган.

Масалан, “Қутадғу билиг”ни олиб кўрайлик. Ушбу бебаҳо асарнинг “Тил одоби” деб номланган 7-бобида Юсуф Хос Ҳожиб тилнинг жамият ва маданий ҳаётдаги ўрни, дунёни, унинг сир-синоатларини билиш ва ўрганишдаги аҳамияти, тил илми, нутқ одоби ва нотиқлик санъати каби масалалар ҳақида ғоят қимматли фикрларни билдирган. Юсуф Хос Ҳожиб фикрича, тил билимли ва заковатли бўлишнинг асосий воситасидир. Одам тилнинг шарофати билан ўз билими, ақл-идрокига сайқал бериб, фикрини ойдинлаштиради. Киши қадр-қимматини оширадиган ҳам, туширадиган ҳам тилдир.

Маҳмуд Кошғарий “Девону луғотит-турк” китобида 7500 дан ортиқ туркий сўз ва ибораларни изоҳлаб берган бўлса, Хоразмда Қутб Хоразмий, Сулаймон Боқирғоний, Рабғузий, Мовароуннаҳрда Саккокий, Ҳиндистонда Ҳофиз Хоразмий, Рум элида Жалолиддин Румий, Насимий, Озарбайжонда Хоқоний тилимизни беҳад бойитган. Алишер Навоий ягона адабий тилимиз шуҳратини шу қадар баланд кўтардики, унинг довруғи оламга кенг ёйилди.

Жаҳон тилшунос олимларининг дунё миқёсида эътироф этилган энг улуғ ижодкорлар сўз бойлиги юзасидан ўтказган тадқиқот натижаси ҳам диққатга сазовор. Эътибор қилинг, ҳазрат Алишер Навоий ишлатган сўзлар сони 26035 тадан иборат. Бу кўрсаткич Александр Пушкинда 21193 тани, Уильям Шекспирда 20 мингдан ортиқни, Мигел де Сервантесда 18 мингдан кўпроқни, Абдураҳмон Жомийда эса 17600 тани ташкил этади.

Шу ўринда тилимизга эътибор ҳамма замонда, шу жумладан, XX асрда ҳам долзарб масалалардан бири бўлганлигини айтмоқчимиз. Хусусан, маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий тилшунос сифатида “Икки эмас, тўрт тил лозим”, “Ҳар миллат ўз тили ила фахр этар”, “Тил масаласи”, “Сарт сўзи мажҳулдир”, “Сарт сўзи маълум бўлмади” каби мақолаларни эълон қилган. Мазкур мақолаларида мутафаккир ўз даврининг муҳим масалалари хусусида фикр юритади.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳар бир миллат ўзбек тилидан ташқари, форс-тожик, араб, рус ва ҳатто Европа тилларидан бирини билиши лозимлигини уқтиради. Бу фикрлар, албатта, ҳозирги кун талабларига ҳам ҳамоҳангдир. У мақолада ўз фикрини қуйидагича баён этади: “Бизга саодатдурки, туркий ва форсийни таҳсилсиз билурмиз. Ҳар туркни форсий ва ҳар форсни туркий билмоғи лозимдур... Фаранг ва рус донишмандларининг асарларидан фойдаланмоқ туркий ё русий ва форангий билмак ила мумкин бўлур...”

Таъкидлаш жоизки, унинг бу қимматли фикрлари Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 75 ва 78-сессияларида инсоният олдида турган энг муҳим масалалар хусусида ўзбек тилида нутқ сўзлагани тилимизнинг халқаро миқёсдаги мавқеини мустаҳкамлаш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди. Зотан, она тили — миллатнинг руҳи, унинг ор-номуси, маънавий қиёфаси, орзу-умидларининг ифодаси.

Эндиги мақсадимиз она тилимизнинг давлат тили мақомидаги мавқеини янада мустаҳкамлаш учун ҳам унинг жаҳон тиллари орасида муносиб ўрин эгаллашига эришишдан иборат. Бунинг учун, аввало, давлат тили сиёсатини “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” нуқтаи назаридан юксак даражада англаб етишимиз талаб этилади.

Абира ҲУСЕЙНОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

Сенатор ва ҳаёт

ЖОЙЛАРДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Айни пайтда Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳудудларда бўлиб, жойларда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ўрганмоқда.

Жумладан, парламент юқори палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Қ. Турсунов ва маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан Бухоро вилоятини ривожлантиришга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий дастурлар ижроси таҳлилдан ўтказилди.

Маълум бўлишича, вилоятда куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёни қизғин давом эттирилмоқда. Шу жараёнда электр энергияси, газ, ичимлик суви таъминотини яхшилаш, зарур кўмир маҳсулотларини етказиб бериш, қайта тикланувчи ва энергия тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича кенг кўламли чоратадбирлар кўриляпти. Айни чоғда бу борада бажарилиши зарур бўлган вазифалар ҳам борки, улар сенатор эътиборидан четда қолмади.

Шунингдек, сенатор аҳоли вакиллари билан учрашувлар ўтказиб, қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида атрофлича тушунтириш берди.

* * *

Сенатнинг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси аъзоси Абира Ҳусейнова Бухоро вилоятининг Когон туманидаги “Сорғун” МФЙда аҳоли вакиллари билан мулоқот ўтказди.

Сайёр қабул тарзида ташкил этилган учрашувда фуқаролар томонидан табиий газ, электр энергияси таъминоти, ички йўлларни таъмирлаш, шунингдек, фуқароларнинг даволаниши ва ишга жойлашиши ҳамда моддий ёрдам олиши билан боғлиқ масалалар кўтарилди.

Айтиш жоизки, сайёр қабул жараёнига туман мутасаддилари ҳам жалб этилгани ушбу масалаларга ижобий ечим топишда қўл келди. Уларга ўртага ташланган муаммоларни ҳал қилиш чораларини кўриш вазифаси юклатилди.

* * *

Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Анвар Тўйчиев бошчилигидаги ишчи гуруҳ Қашқадарё вилоятидаги туман ва шаҳарларда ўрганишлар олиб бормоқда.

Куни кеча сенатор бошчилигидаги ишчи гуруҳ Қарши шаҳрида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва маҳаллалар инфратузилмасини яхшилашга қаратилган дастурлар ижроси ҳамда ижтимоий соҳа объектларида куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида олиб борилаётган ишлар билан атрофлича танишди.

Шу асосда сенатор маҳаллий давлат органлари масъулларига дастурда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли тарзда бажариш юзасидан таклиф ва тавсиялар берди.

«Халқ сўзи».

ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИГА ОИД ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ТАКЛИФЛАР АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

Маълумки, бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси қўйи палатанинг шу йил 27 сентябрь куни бўлиб ўтган мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқилиб, уни янада такомилига етказиш мақсадида 14 октябрга қадар жамоатчилик муҳокамасига қўйилган эди.

Жамоатчилик муҳокамалари давомида қонун лойиҳаси юзасидан 400 га яқин таклиф-мулоҳазалар билдирилган. Таклифларнинг 211 таси regulation.gov.uz порталига ва 163 таси parliament.gov.uz веб-сайтига келиб тушган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, умумий таклифларнинг 172 таси бевосита қонун лойиҳаси юзасидан, 200 таси муносабат, 2 таси қонун лойиҳасига алоқаси бўлмаган умумий мазмундаги фикрларни ташкил этган.

Таклиф юборган фуқароларнинг фаолият соҳаси таҳлил қилинганида, уларнинг 114 нафари давлат хизматчиси, 66 нафари тадбиркор, 22 нафари илмий изланувчи, 9 нафари журналист ва блогер, 163 нафари ўз фаолият турини кўрсатмагани маълум бўлди.

Алоҳида қайд этиш жоиз, жамоатчилик муҳокамаси давомида лойиҳага масъул — Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ташаббуси билан мутахассислар, экспертлар, олимлар иштирокида бир қатор тадбирлар, семинарлар ўтказилган.

Қўмита томонидан қонун лойиҳасини такомилига етказиш борасида 10 дан ортиқ моддаларга таҳририй тузатишлар ва қўшимчалар киритилган. Қолаверса, лойиҳа лингвистик, юридик нормаларга мувофиқлиги бўйича ҳуқуқий экспертизалардан ўтказилган.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши янги таҳрирдаги Конституциямизнинг сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилишини, унда мустаҳкамланган устувор принципларнинг Янги Ўзбекистон ғоясига ҳамоҳанг тарзда рўёбга чиқарилишини таъминлашга хизмат қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

Конституциявий қонун лойиҳаси — муҳокамада

ДЕПУТАТЛАР КОРПУСИ ЯНГИ САЙЛОВ ТИЗИМИ БЎЙИЧА ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Ёшлар масалалари бўйича комиссия билан ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Унда депутатлар, эксперт-лар, Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчилари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш мақсадида парламент ҳамда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилиб, биринчи ўқишда қабул қилинган Конституциявий қонун лойиҳаси билан Сайлов кодекси ҳамда 7 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилаётир. Сайловларнинг мажоритар ва пропорционал тизимини назарда тутувчи қоидалар Сайлов кодексига киритилмоқда.

Жумладан, сайлов округлари етмиш бешта ҳудудий бир мандатли ҳамда ягона сайлов округига бўлинмоқда. Бунда партия рўйхати асосида Қонунчилик палатасига сайловни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди ягона сайлов округи ҳисобланмоқда. Яъни Қонунчилик палатасининг 75 нафар депутати амалдагидек мажоритар тизим асосида бир мандатли сайлов округларидан, қолган 75 нафари эса партия рўйхати бўйича янги таклиф этилаётган пропорционал тизим асосида ягона сайлов округидан сайланиши кўзда тутиляпти.

Шунингдек, партия рўйхатидаги кетма-кетликда камида ҳар учта номзоднинг бир нафари аёл бўлиши белгиланмоқда. Ягона сайлов округи бўйича овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг камида етти фоиз овозини олган партия белгиланган тартибда депутатлик ўринларига эга бўлиши ўрнатилмоқда. Агар ҳеч қайси партия камида етти фоиз овозни тўпламаган бўлса, сайлов ўтмаган, деб топилиши назарда тутилмоқда.

— Конституциявий қонун лойиҳаси билан сайлов ва референдум ўтказиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган нормалар белгиланмоқда, — дейди Қонунчилик палатаси депутати Муҳаммаджон Валиев. — Хусусан, бир мандатли сайлов округларида бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган депутатликка номзод сайланган деб ҳисобланиши назарда тутилмоқда. Эндиликда мутлақ кўпчилик эмас, балки нисбий кўпчилик овози билан депутатлар сайланади.

Қайд этилганидек, Конституциявий қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан Марказий сайлов комиссияси, ҳудудий, туман ва шаҳар сайлов комиссияларининг ваколатлари аниқлаштирилади, Қонунчилик палатаси депутатлари корпусини шакллантиришнинг мажоритар-пропорционал шаклига асосланган сайлов тизими жорий этилишининг ҳуқуқий асослари яратилади.

Давра суҳбатида Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида таклифлар ишлаб чиқиладиган бўлди.

Давра суҳбати қатнашчилари фикри

Дилмурод ИСМОИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Ўтказилган давра суҳбати жуда мазмунли, натижадор бўлди. Чунки Конституциявий қонун лойиҳасидаги ҳар бир нормани олимлар, экспертлар иштирокида атрофлича муҳокама қилдик. Эътиборлиси, қонун лойиҳасини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклиф ва тавсиялар берилди. Мазкур таклифлар асосида қонун лойиҳасидаги нормаларни маромига етказиб, янада такомиллаштирамиз.

Киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунчиликни янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқлаштиради, парламентни шакллантиришнинг янги замонавий тизимини йўлга қўяди, ушбу жараёнда сиёсий партияларнинг иштироки ва ролини янада оширади.

Шаҳноза ҒАФФОРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институти бўлим бошлиғи:

— Давлатларнинг ривожи кўп жиҳатдан сиёсий партиялар ўртасидаги рақобат муҳитига бевосита боғлиқ. Давра суҳбатида қизғин муҳокама қилинган қонун лойиҳасида белгиланган нормалар, ўз навбатида, мамлакатимизда сиёсий партиялар ўрни ва нуфузи ошишида, улар ўртасида рақобатнинг шаклланиши, энг муҳими, электорат манфаатларининг кафолатланишида муҳим аҳамият касб этади.

Мутахассис сифатида айтишим жоизки, мазкур Конституциявий қонун лойиҳасининг қабул қилиниши референдум ва сайлов тўғрисидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш хизматида бўлади. Айни чоғда қонун лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилгани ва бу жараёнда аҳоли вакиллари фаол қатнашаётгани олиб борилаётган изчил ислоҳотлар натижасидир.

ЁШЛАР ФАОЛЛИГИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти томонидан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Қуйи палата депутатлари, Ёшлар комиссияси ва Ёшлар парламенти аъзолари, ҳуқуқшунослар қатнашган тадбирда Конституциявий қонун лойиҳаси янгиланган Бош қомусимизнинг ҳаётийлигини таъминлаш, миллий парламент фаолиятини ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилгани қайд этилди.

Шунингдек, Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, унинг ўзига хос жиҳатлари, мақсадлари, унда назарда тутилаётган янгиликлар, парламентга бўладиган сайловларни ўтказишдаги янги ўзгартиришлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Таъкидланганидек, Конституциявий қонун лойиҳаси билан Сайлов кодексига ҳамда бир қатор қонунларга киритилаётган ўзгартиришларга мувофиқ, Қонунчилик палатасига депутатлик ўрнининг 50 фоизи мажоритар ва 50 фоизи пропорционал тарзда ўтказилиши белгиланмоқда.

Хусусан, хориждаги фуқароларимиз Қонунчилик палатаси сайловида пропорционал тизим бўйича овоз беришда иштирок этиши таклиф қилинмоқда. Бу чет давлатларда бўлган фуқароларимизнинг сиёсий иродасини рўёбга чиқариш ҳамда уларнинг берган овозини ўзларига алоқаси бўлмаган бошқа сайлов округи ҳисобига ўтказиш каби нотўғри амалиётдан воз кечишни таъминлайди.

Тадбирда дунёдаги демократик давлатларнинг сайлов тизимлари таҳлили асосида аралаш сайлов тизимининг мазмун-моҳияти ва парламентларини шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари, бу борада хориж мамлакатларининг қонунчилиги ва амалиёти хусусида ҳам сўз юритилди.

— Мазкур қонун лойиҳасида кўплаб янги нормалар ўз аксини топган, — дейди Ёшлар парламенти раиси Шаҳноза Жолдасова. — Хусусан, лойиҳа билан бир мандатли сайлов округларида бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган депутатликка номзод сайланган, деб ҳисобланиши белгиланмоқда. Яъни мутлақ кўпчилик эмас, балки нисбий кўпчилик овози билан депутатлар сайланиши назарда тутиляпти.

Давра суҳбатида сўз олганлар Конституциявий қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилганига урғу бериб, бу жараёнда Ёшлар парламенти аъзолари ҳам фаол иштирок этаётгани, улар томонидан кўплаб долзарб ва асослантирилган таклифлар берилаётгани таъкидланди.

Тадбир якунида билдирилган таклифлар умумлаштирилиб, Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссиясига киритилиши белгиланди.

Сўз — иштирокчиларга

Шаҳзода БОЗОРБОЕВА,
Ёшлар парламенти аъзоси:

— Сиёсатга, давлат бошқаруви соҳасига қизиқадиган ёш авлод вакилларидан бири сифатида айтишим керак, Конституциявий қонун лойиҳасида партиялар томонидан тақдим этиладиган депутатликка номзодлар орасида хотин-қизларнинг 30 фоизлик квотаси сақланаётганлиги эътиборимни тортди. Дарҳақиқат, партия рўйхатидаги ҳар учинчи номзод аёл киши бўлиши кераклиги белгиланаётгани қувонарли ҳол. Чунки парламент сафида хотин-қизларнинг етарли даражада бўлиши аҳолининг ижтимоий қатлами, хусусан, оилалар, болалар ёки нуроний ёшдаги инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этадиган қонунлар қабул қилинишига сабаб бўлади, деб ҳисоблайман.

Жаҳонгир ХУДОЙҚУЛОВ,
Ёшлар парламенти аъзоси:

— Давра суҳбатининг эътиборни тортган икки муҳим жиҳатига тўхталсак. Биринчидан, очиқ ва самимий руҳда ўтган тадбирда сайлов ва референдумга оид Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти биз, ёшларга халқчил, оддий тарзда тушунтириб берилди. Иккинчидан, қонун лойиҳасини ишлаб чиққан ташаббускорлар иштирокида бу бўйича фикр-мулоҳазаларимизни тўғридан-тўғри, бевосита билдиришга муваффақ бўлдик. Бундай имконият ҳар доим ҳам бўлавермайди.

Сиёсий партияларнинг нуфузини оширишга хизмат қиладиган қонун лойиҳаси ҳеч бир ёшни бефарқ қолдирмайди ва биз ҳам жамоатчилик муҳокамасида фаол иштирок этдик. Бунинг учун интернет тармоғи орқали пропорционал сайлов тизимининг ўзига хос жиҳатлари, хорижий мамлакатлар тажрибалари, олимларнинг мавзуга оид фикрларини ўрганиб, партиядошларимиз билан биргаликда муҳокама қилгандик. Ёшларнинг сайлов тизими ва партиялар фаолиятига оид қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришдек тарихий жараёнда иштирок этаётгани, албатта, бизга ғурур бағишлайди.

«Халқ сўзи».

ТУРИЗМ ТАЪЛИМИ: ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Ҳасан ПАЙҲОЕВ олган сурат.

1 Тадбирда туризмни барқарор ривожлантириш масалалари, “яшил” ва хавфсиз саёҳатларни таъминлаш, туризм бўйича саводхонликни ошириш, айниқса, ўқув муассасаларида туризм йўналишида билим бериш муаммолари атрофлича муҳокама этилди.

Жумладан, UNWTO ташаббуси билан тайёрланган махсус дарслик тақдимоти ўтказилиб, бу дарслик асосида АҚШ ҳамда Буюк Британия ўқув муассасаларида туризм фани бўйича машғулотлар бошланиши маълум қилинди.

Шу билан бирга, муҳокамалар давомида ҳозирги ва келажак авлодлар учун таълим соҳасида инновацияларни жорий этиш масалалари батафсил кўриб чиқилди. Таълим соҳасидаги етакчи экспертларнинг “Таълим соҳасидаги UNWTO фаолияти”, “Эртанги кунниинг инвестициялари: чексиз келажак учун трансформация, технология, инновация ва таълим” каби мавзулардаги маъруза ва тақдимотлари бўлиб ўтди.

Халқаро туризм академияси томонидан мамлакатимизнинг туризм таълимига сармоя киритишга интилиши ва Бутунжаҳон туризм ташкилоти билан ҳамкорлиги акс эттирилган махсус тақдимот куннинг муҳим воқеаларидан бири бўлди.

Тадбирда UNWTO томонидан ўрта, олий ва бошқарувчи таълим бўйича етакчи академик ҳамкорлар билан ишлаб чиқилган қўшимча ташаббуслар, инновацион таълим воситалари тўплами, халқаро барқарор туризмни янги фанлар бўйича ўқитиш, ҳар бир соҳадаги сўнгги ютуқлар намойиш этилди.

— Бутунжаҳон туризми ривожланишида мазкур таълим форумининг аҳамияти юқори, — дейди Ямайка туризм вазири Эдмунд Суртис Бартлетт. — Форум орқали сайёҳларга хизмат кўрсатишни юқори даражага олиб чиқиш кўзланган ва бу йўлда мутахассислар тайёрлашни бошланғич ва ўрта мактаблар, ундан сўнг олий таълим муассасаларида йўлга қўйишимиз лозим.

Халқаро таълим форуми доирасида, шунингдек, хорижлик иштирокчиларнинг “Меҳмон маърузалари” ҳам бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Беларусь, Ҳиндистон, Италия, Қозоғистон, Хитой, Туркия ва Жанубий Африкадан етти нафар хорижий эксперт соҳанинг ютуқлари билан бирга, муаммолари, унинг ечимлари бўйича маъруза қилди.

Сессия доирасида жорий йилнинг энг яхши туризм қишлоқларини тақдирлаш маросими ҳам ўтказилди. Дунёнинг туризм ривожланган қишлоқлари орасида мамлакатимиздан Навоий вилоятидаги Сентоб қишлоғи “2023 йилнинг энг яхши туризм қишлоғи”, деб эътироф қилинди.

Анжуман доирасидаги тадбирлар давом этмоқда.

Сўз — анжуман қатнашчиларига

Шри Жанеш КАИН,
ШҲТ Бош котиби ўринбосари (Ҳиндистон):

— Мен Ўзбекистондаги ривожланиш тенденцияларини кузатдим ва жуда хурсанд бўлдим. Ўзбекистонда нафақат Самарқанд, балки бошқа вилоятларнинг ҳам диққатга сазовор жойлари жуда кўп. Ўн йил олдин мамлакатингизда фаолият юритганман. Ўша пайтдаги ҳолат билан бугунгиси ўртасида кескин фарқ бор, демоқчиманки, ўзгаришлар катта.

Ислоҳотлар туфайли бугун Ўзбекистоннинг инфратузилмаси ўзгача қиёфа касб этган. Бугунги форумда туризм таълимини ривожлантириш бўйича янги ғоялар ўртага ташланди. Бу келгусида сайёҳлик салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Ҳеазер Мшиза СИБУНГО,
Намибия атроф-муҳит, ўрмон хўжалиги ва туризм вазирининг ўринбосари:

— Ўзбекистон — ғоят бетакрор мамлакат. Ҳар соҳада илғор. Ўзбекистон Президенти томонидан туризмни ва бошқа соҳаларни ҳам ривожлантириш бўйича илгари сурилган ташаббуслар кўпчилик томонидан якдиллик билан маъқулланди.

Эътиборлиси, бугун жаҳоннинг сайёҳликка оид тармоқ вакиллари, инвесторлар ва туристлар Ўзбекистонда. Улар мамлакат қай даражада ривожланаётганига ўз кўзлари билан гувоҳ бўлмоқда. Туризм салоҳияти билан танишаётир.

Форумлар давомида бўлаётган муҳокамалар, илгари сурилаётган таклифлар, албатта, келгусида дунёда туризмни ривожлантириш, бу йўлда халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Агрологистика

БОҒДОРЧИЛИКДА ҚИЙМАТ ЗАНЖИРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ЯРАТИЛАДИ

Мамлакатимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат занжирини яратувчи инфратузилмани мукаммаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда, албатта, ривожланган давлатларнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда бу соҳада катта тажриба тўплаган йирик хорижий компаниялар билан ҳамкорликда иш олиб бориш муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис бугунги кунда юртимизда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда “Боғдорчиликнинг қиймат занжири инфратузилмаси” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Унда агрологистика комплексларини жаҳон стандартларига мувофиқ лойиҳалаш ва халқаро савдо маркази остида фаолиятини мувофаққиятли ташкиллаштириш мақсадида Франциянинг “Ранжис-Самарис” компанияси жалб қилинди. Бу компания лойиҳага бежиз таклиф этилгани йўқ, чунки бугунги кунда у Париж шаҳри атрофидаги йиллик айланмаси 9 млрд. евро бўлган дунёдаги энг йирик озиқ-овқат логистика марказига эгалик қилади. Айни чоғда у дунё бўйлаб самарали улгуржи озиқ-овқат бозорларини қуриш ва ташкил этишда илғор тажрибага эга.

Лойиҳанинг умумий қиймати 244,75 млн. АҚШ долларидан иборат бўлиб, шундан Осиё тараққиёт банки кредит маблағи 197,0 млн., Ўзбекистон Республикаси улуши эса 47,75 млн. АҚШ долларига тенг.

Шу йил 19 октябрь куни Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги раҳбар ва мутахассислари, Осиё тараққиёт банки ҳамда Франциянинг “Ранжис-Самарис” компанияси вакиллари иштирокида мазкур лойиҳанинг тақдимоти ўтказилди.

Унда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, саралаш, қадоқлаш, сақлаш, маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш ҳамда улгуржи бозорни ўз ичига олган қиймати 197 млн. долларлик 3 та йирик агрологистика комплексини Тошкент, Самарқанд ва Андижон вилоятларида очиш лойиҳанинг мақсади этиб белгиланган.

— Франция компанияси билан биргаликда лойиҳа доирасида ҳудудларнинг бозор конъюнктураси, транспорт қатнови, атрофмуҳитни ўрганиш, инфратузилма ва унга уланиш нуқталарига техник шартлар, кадастр ҳужжати, топосъёмка, геология ва гидрогеология ишлари амалга оширилади, — дейди Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги халқаро марказ томонидан Осиё тараққиёт банки иштирокидаги мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат занжири инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳаси менежери Жасур Матрасулов. — Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, лойиҳанинг умумий қуввати 1,7 млн. тонна, экспорт ҳажми 956 минг тонна ёки 571 млн. долларни ташкил этади. Эътиборлиси, мазкур агрокомплексларда 4 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

“Ранжис-Самарис” компанияси томонидан юртимизда замонавий агрологистика марказлари барпо этилиши қишлоқ хўжалиги соҳасида янги имкониятлар, йўналишлар ва янги профессионал миқёсларни очади.

«Халқ сўзи».

«БЕЛАРУСЬ – ЎЗБЕКИСТОН» ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

1 Йиғилишда Беларусь хорижий давлатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар жамияти раиси Нина Иванова ушбу жамиятнинг ташкил этилиши Ўзбекистон маданияти, тарихи ва анъаналари билан яқиндан танишиш имконини берадиган кенг кўламли тадбирларни амалга оширишда ўзига хос ўрин тутишини таъкидлади.

“Беларусь — Ўзбекистон” жамияти бошқаруви таркибига турли соҳа вакиллари киритилгани ҳар икки давлат муносабатларининг фаол ривожланишини назарда тутади.

“Беларусь Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари билан алоқаларида алоҳида ўрин тутади. Мамлакатларимиз ўртасидаги масофа жуғрофий жиҳатдан узоқ бўлишига қарамай, Ўзбекистон ва Беларусь ҳамкорлиги жадал ривожланмоқда. Икки дўст мамлакат халқларини жуда яқин ва умумий жиҳатлар боғлаб туради”, деди йиғилишда Ўзбекистоннинг муваққат ишлар вакили Раҳматулла Назаров.

«Дунё» АА.
Минск

ШУ ЮРТ ФАРЗАНДИ БЎЛГАНИМДАН ФАХРЛАНАМАН

1 Бир гапни айтишим керак, мижозларимнинг 99 фоизи ўзбек миллатига мансуб одамлар. Қолаверса, бу ёғи Қорақалпоғистон Республикаси, у ёғи Сурхон воҳаси, Фарғона водийсигача вилоятларда жуда кўп бўлишга, баъзан шошилинч чақирув асосида кўплаб жарроҳлик амалиётларини бажаришга тўғри келади. Шифо топиб кетган беморлар мени қариндошларидан ҳам яқин кўришади, байрамларда қўнғироқ қилиб табриклашади, тўй-маъракаларига айтишади. Мен ҳам уларнинг шифо топганидан, бунчалик меҳр-оқибатлилигидан, уларга керак эканимдан хурсанд бўламан. Хизмат тақозоси билан жуда кўп давлатларда бўлганман, ўзбек халқидай бағрикенг, меҳридарё миллатни, тўғриси, ҳеч қаерда кўрмадим.

Беморлар билан ўзбек тилида мулоқот қилганимда, улар ҳайрон бўлишади. Бошқа миллат вакили бўлишимга қарамасдан, ўзбек тилида қийналмасдан гапиришим, ўз фикримни эркин ифодалай олишим уларга қизиқарли туюлади. “Соф ўзбек тилида гапиришни қаерда ўргангансиз?” деб сўрашади. “Мен ўзбекман” деб жавоб бераман уларга яримчин, ярим ҳазил билан.

Жиддий айтадиган бўлсам, мен учун Ватан бешикдан, ўз ҳовлимиздан, қишлоғимиздан, ўлкамиздан бошланади. Мен учун туғилган жойим, Ўзбекистон — она Ватаним, ўзбек тили — ўз тилим, деб баралла айта оламан ва бу билан фахрланаман. Ватанни севган одам унинг халқини, тилини севади, халқини севган инсон унинг урф-одатларини, миллий қадриятларини ўз қадриятлари деб билади.

Менинг фикримча, ҳар бир инсон ўзи яшаётган мамлакат тилини билиши, қадриятларини ҳурмат қилиши керак. Масалан, Россияга борган муҳожирлар рус тилини билиш бўйича имтиҳон топширади. Англияда инглиз тилини билиш керак. Бу — аксиома, буни ҳамма тушунади. Лекин кимнинг қайси тилда гапириши ўзига ҳавола, буни ҳеч ким чекламайди. Бу ерда ҳеч қанақа мажбурият бўлмаслиги керак.

Мен сиёсатдан йироқ одамман, ўз касбимни, ўзим туғилиб ўсган тупроқни, нон-туз бериб вояга етказган шу халқни, ўқитиб, одам қилган шу Ватанни севаман. Табиатан баландпарвоз гапларни ёқтирмайман, лекин юракдан қуйилиб келаётган ушбу мулоҳазаларимни айтмасам бўлмас.

Инсон истаган жойда бир парча нон билан қорнини тўйғазиши мумкин. Лекин Ватандан мосуво бўлса, унинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди. Ватаннинг катта-кичиги, бегонаси ёки ўгайи бўлмайди. Ватан танланмайди, сотилмайди ва сотиб олинмайди. Ватан — бу инсон туғилиб, вояга етган муқаддас замин. Мен, том маънода, ўзбекистонликман, ўзбекман ва буни тақдир инъоми деб ҳисоблайман. Кўп миллатли, бағрикенг Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элат вакилларига ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун — Ўзбек тили байрами куни муборак бўлсин, ўзбек тили бундан ҳам равнақ топсин!

Денис ЧЕРНОВ,
Академик В. Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази 2-тоифали шифокори.

ҚИШ ЭШИК ҚОҚМОҚДА, БИЗ БУНГА ҚАНЧАЛИК ТАЙЁРМИЗ?

1 Бу эътиборсизлик билан қарайдиган ёки кейинга сурса бўладиган масала эмас. Шу боис 14 октябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳридаги янги инфратузилма иншоотларидаги тайёргарлик жараёнларини кўздан кечирди.

Шайхонтоҳур туманида янги подстанция қурилгани, унга “Тракторсоз” подстанциясидан кабель тортиб келингани, 2 та трансформатор ўрнатилгани, натижада 130 мегаватт қўшимча электр энергияси ҳосил бўлиши шаҳардаги бошқа подстанциялар юкламасини камайтиради. Энг муҳими, авария ҳолатлари 60 фоизга қисқариши кутиляпти. Шу ерда Тошкент шаҳри электр таъминоти тизимидаги қурилиш ва модернизация ишларига оид тақдимотда 850 мегаватт қўшимча қувват яратилаётгани айтилди. Бу, албатта, қишнинг қаҳратон кунларида ҳар бир хонадонда электр чироғи ўчмаслигига кафолат беради.

Гап ҳаво кескин совиб кетган пайтда хонадонларга иссиқлик етказиб беришда узилишларга йўл қўймаслик ҳақида кетар экан, давлатимиз раҳбари “Тошкент иссиқлик маркази” корхонасининг Шайхонтоҳур туманидаги 3-иссиқлик маркази фаолияти билан яқиндан танишгани муҳим аҳамиятга эга. Бу мажмуа 1972 йилда қурилган бўлиб, 5 та қозонхона умумий қиймати 400 Гкал қувватга эга. Жорий йил қиш ойларида 491 та кўп қаватли уй ва 150 дан ортиқ ижтимоий соҳа муассасаларига иссиқлик етказиб беришда муаммолар юзага келган эди. Эндиликда иссиқлик марказида муқобил ёқилғидан фойдаланиш имконияти яратилди. Мазут хўжалиги қурилмоқда, қозонхоналарнинг иккитаси аралаш шаклда газ ва мазутда ишлашга ўтказилади.

— Ўтган қишда Шайхонтоҳур ва Чилонзор туманларида газ босими тушиб кетганлиги туфайли иссиқлик бериш имкониятимиз чекланиб қолди, — дейди “Тошкент иссиқлик маркази” бош муҳандиси Алишер Очилов. — Ўшанда узатиладиган иссиқлик ҳарорати 65 ўрнига 40 даражага тушиб кетди. Ана шу камчиликлардан хулоса қилиб, Шайхонтоҳур ва Чилонзор туманларидаги иссиқлик марказида мазут хўжалиги қурилаётир. Уни ноябрь ойида ишга тушурамиз. Ва қишда ҳеч қандай муаммо бўлмайди, чунки мазут захирамиз 25 кунга етадиган қилиб қурилмоқда. 2 та 1 минг тоннадан иборат мазут сақлайдиган захирамиз мавжуд. Газ босими пасайган вақтдаям иссиқлик ҳароратини меъёрдан туширмаслик имконияти мавжуд.

Бу жиҳатдан Тошкент шаҳридаги Чилонзор туманида когенерация иншоотти ишга туширилгани ҳам таҳсинга сазовор. Ўтган қишдаги аномал совуқда иссиқлик таъминотида узилишларни такрорламаслик мақсадида иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқарадиган когенерацион қурилмалар ишга туширилгани ва улар соатига 4,6 МВт электр энергияси ҳамда 29 гигакалориядан ортиқ иссиқлик ишлаб чиқариш қувватига эгалиги кўнгилга хотиржамлик бағишлайди. Мажмуа ишга туширилиши натижасида йилига 5,3 млн. метр куб табиий газ иқтисод қилинади. Атмосферага чиқадиган ифлослантирувчи моддалар 67 фоиз камаяди, оқова сув ташламалари эса умуман бўлмайди.

— Бугун келишимиздан мақсад — ўтган йилги сабоқдан натижа нима бўлганини кўриш, — деди давлатимиз раҳбари Чилонзор туманидаги Оқтепа ва Боғзор маҳаллалари аҳолиси билан учрашувда. — Бунинг учун керакли қарорлар қабул қилдик, катта маблағлар ажратдик. Хориждан технологиялар, мутахассислар олиб келдик. Соҳа ходимлари қўшимча ўқитилди, уларнинг ойликлари оширилди. Ҳозир раҳбарларга ҳар бир маҳалла, ҳар бир кўп қаватли уй, мактаб, шифохоналарга кириб, иссиқликни кафолатлаш бўйича яна топшириқлар бердим. Энг муҳими, бу борада халқ назоратини йўлга қўямиз. Шу билан бирга, энергия тежамкорлик маданиятини ошириш керак. Сизга ўхшаган кўпни кўрган инсонлар, зиёлилар бунда намуна, давлатга кўмакчи бўлиши зарур.

> *“Ўзбекистон Энергетика вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, истеъмолчиларни куз-қиш мавсумида ёқилғи-энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш мақсадида зарур чора-тадбирлар белгилаб олинган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, куз-қиш мавсумида мамлакатимизда электр энергия истеъмоли 46,1 млрд. кВт/соатни ташкил этади. Бу ўтган йилги миқдордан 4,7 млрд. кВт/соат кўп.”*

Давлатимиз раҳбари шу ўринда муҳим масалани кўтарди. Бу — халқ назоратини йўлга қўйиш, энергия тежамкорлиги маданиятини оширишдир. Одамлар иссиқлик қаердадир исроф бўлаётгани, электр ва газдан хўжасизларча фойдаланилаётганини назорат қиляптими? Бу, ахир ўзимиз, фарзандларимиз ва жамиятимиз учун керак. Халқ назорати, бу — катта куч ва турли муаммоларни ҳал этишда энг мақбул ечим.

— Ўтган қиш фасли бошқа йиллардагидан кўра совуқроқ келди, — дейди Учтепа туманида яшовчи онахон Гулсара Бозорова. — Шундай кунлар бўлдики, электр ўчган, газ йўқ, устига-устак батареялар ҳам совуқ. Шукрки, вазият тез фурсатларда ўнгланди. Биласизми, Президентимизнинг эл учун куюниб, Тошкент шаҳридаги иссиқлик корхоналарига боргани, иссиқлик тизимида янги технологиялар, муқобил хизматлар ўрнатилгани бизни жуда қувонтирди.

Истеъмолчилар кўпаймоқда, электр-чи?

Куз-қиш мавсуми нурчилар фаолиятида ҳам муҳим давр ҳисобланади.

Албатта, сўнгги йилларда халқимизни сифатли ва узлуксиз электр энергияси билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Натижада юртимизда электр энергияси ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб бериш ҳажми йилдан-йилга ошмоқда. Аммо барча кўрсаткичлар ошиб бораётган бир пайтда нега мамлакатимизда энергия тақчиллиги кузатиляпти? Куз-қиш мавсумини муваффақиятли ўтказиш, яъни ўтган қишдаги каби аномал совуқда ҳам энергия барқарорлигини таъминлаш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Ўзбекистон Энергетика вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, истеъмолчиларни куз-қиш мавсумида ёқилғи-энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш мақсадида зарур чора-тадбирлар белгилаб олинган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, куз-қиш мавсумида мамлакатимизда электр энергия истеъмоли 46,1 млрд. кВт/соатни ташкил этади. Бу ўтган йилги миқдордан 4,7 млрд. кВт/соат кўп. Негаки, ўтган бир йил давомида қанчадан-қанча завод-фабрикалар ишга тушди, кўп қаватли турaржойлар барпо этилди, ишлаб чиқариш қувватлари ошди, хуллас, электр энергияси истеъмолчилари анчагина кўпайган.

Албатта, ҳаётимиз қанча фаровонлашиб бораверса, электр энергияга бўлган талаб ҳам шунча ошади. Бу табиий ҳол ва барча саъй-ҳаракатлар ана шу юксалишга қараб режалаштириб борилаётир.

Савол туғилади: жорий йилда ортиқча ишлаб чиқарилиши лозим бўлган 4,7 млрд. кВт/соат электр энергияси қайси манбалар ҳисобига кўпайтирилади?

Гапнинг лўндаси шуки, барқарор электр таъминотини йўлга қўйиш учун ИЭСларда — 39,6, ГЭСларда — 2,6 ва ФЭСларда 1,8 млрд. кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Биргина ИЭСларда куз-қиш ойларида барқарор иш жараёнини ташкил қилиш учун 8,5 млрд. ёки ўтган йилдагига нисбатан 155 млн. куб метр табиий газ талаб этилади. 2,9 млн. тонна импорт кўмир ҳамда 820 минг тонна мазут ишлатилади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас, қўшни давлатлардан 3,2 млрд. кВт/соат электр энергияси ҳам импорт қилинади. Демак, айни жараён ва хонадонимизни чароғон қилиб турган ёруғлик қайси манбалар ва машаққатли меҳнат орқали бизга етиб келишини истеъмолчилар билиши ва бу бебаҳо неъматнинг қадрига етиши лозим.

Куз-қиш ойларида ИЭСларнинг барқарор ишлашини таъминлаш бўйича ҳам бир қатор чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, жорий йилда иссиқлик электр станцияларида 56 та энергоқурилма, шундан 15 та энергоблок (Янги Ангрен ИЭС билан бирга), 31 та қозон, 9 та буғ-газ қурилмаси ва 1 та газ турбинаси мукаммал таъмирланиши кўзда тутилган. Ана шу муҳим юмушларнинг ўз вақтида сифатли амалга оширилиши ҳам қиш ойларида электр энергияси узлуксизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Яна бир муҳим масала электр таъминотини узатиш билан боғлиқ. Ҳудудларда 831 километр магистраль ва 29556 километр тақсимловчи электр узатиш тармоқлари, 8 та магистраль нимстанциядаги трансформаторлар ҳамда 10157 та трансформатор пункти мукаммал таъмирланди.

Жорий йил якунига қадар 13 та лойиҳа доирасида 3 700 МВтга тенг қувватлар ишга туширилади. Шундан 9 таси — қуёш фотоэлектр станцияласи. Натижада йилига 17,5 млрд. кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилади, 2,5 млрд. куб метр табиий газ тежалишига эришилади ҳамда 300 та янги иш ўрни яратилади.

Қолаверса, мутахассисларнинг маълум қилишича, бу йилдан 17,5 млрд. кВт/соат электр энергияси муқобил манбалар ёрдамида ишлаб чиқарилади. Ана шу манбалар фойдаланишга топширилиб, тўлиқ қувват билан ишлай бошласа, куз-қиш ойларида юзага келадиган узилиш ва чекловлар барҳам топади.

Хуллас, Энергетика вазирлиги томонидан инвестициявий жозибадорлик ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини кенгайтиришга қаратилган кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани мамлакатимиз ҳудудларида мавжуд юқори кучланишли электр тармоқлари ва нимстанциялар фаолиятини янада яхшилашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Ишонамизки, тизимда рўй бераётган ўзгаришлар, аввало, инсон учун яратилаётган қулайликларнинг ёрқин ифодаси бўлади.

Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2023 йил 20 октябрь

ҲАР БИР НИҲОЛ ОРЗУ-УМИДЛАРИМИЗ РЎЁБИ БЎЛИБ ЯПРОҚ ЁЗСИН!

1 Президентимизнинг кўчат экишда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ шароитини инобатга олиш борасидаги кўрсатмаларидан келиб чиққан ҳолда олимлар ва агрономлар тавсиялари билан Қорақалпоғистон шароитига мос бўлган дарахт кўчатларини экишни режалаштиряпмиз. Бу борадаги ишларимизни тизимли ташкил қилиш мақсадида 25 октябрни кутиб ўтирмасдан ҳозирданоқ кўчатлар захирасини яратиш, кўчат етиштирувчи тегишли корхоналар билан шартномалар тузиш ва кўчат экиладиган майдонлар ҳамда суғориш тармоқларини тайёрлаш бўйича вазифаларни белгилаб олдик.

Мавсум ҳисобот учун эмас

Яхши ният ҳамиша инсонни эзгу ишларга ундайди. Азалдан халқимиз эртасини ўйлаб уй қуради, ерга уруғ сочади, кўчат экади.

Шу маънода, айни кунларда Андижон вилоятининг ҳар бир ҳудудида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида “Она табиатни асрашда барча бирдек масъул” шиори асосида кўчат экиш акцияси давом этмоқда.

— Экилган ҳар бир кўчат қатъий назоратга олинмоқда, — дейди вилоят Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси ходими Лочинбек Исомиддинов. — Бунда уларнинг парвариши билан шуғулланиш учун алоҳида ходимлар бириктирилган бўлиб, улар томонидан уч йил мобайнида назорат ва парваришлаш ишлари ташкиллаштирилади. Мақсадимиз — мавсум ҳисобот учун бўлиб қолмаслиги керак. Бугун экилган кўчатлар эртага дарахтга айлансагина ҳақиқий “ҳисобот” тайёрлаган бўламиз.

Ўрни келганда айтиш жоизки, кўчатларни экиш ва парваришлаш, касалликларга қарши кураш, ўзаро тажриба алмашиш ҳам муҳим аҳамият касб этяпти.

Вилоятда куз мавсумида 6,5 миллион тупдан зиёдроқ кўчатлар ўтқазилиши режалаштирилган бўлиб, бунинг учун 8,5 миллион туп кўчат захираси тайёрланди. Кўчатлар Андижон давлат ўрмон хўжалиги ва кўчатчиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликларида етиштирилган.

Хатолар такрорланмаслиги керак

Жорий йил баҳор мавсумида Фарғона вилоятида 27 хил турдаги қарийб 10 миллион туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Унинг парвариши учун 2 минг 232 нафар масъул бириктирилди. Лекин бу борада хато ва камчиликлар ҳам бўлди.

— “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг кузги мавсумида бундай хатоларга йўл қўймасликка ҳаракат қиляпмиз. 40 турдаги 6,5 миллион тупдан ортиқ манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари ҳамда қаламчалар экишга киришдик, — дейди вилоят Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси бошлиғи Баҳром Жуманов. — Айни пайтда ҳудудлар кесимида экиладиган дарахт кўчатларининг манзилли дастури шакллантирилди.

Шунингдек, куз мавсумида Фарғона шаҳрининг “Ўрмончилар” МФЙ ҳудудида жойлашган Фарғона ўрмон хўжалигига қарашли 1 гектар ер майдони “Вазирлик боғи” ташкил этиш учун танлаб олинди. Ўз навбатида, ҳар бир шаҳар ва туман ҳудудида 12,8 гектар ерда “Ҳокимлик боғи”га асос солиниб, 11 минг 350 туп манзарали ва мевали дарахт кўчати экилиши режалаштирилди.

Шу билан бирга, вилоятдаги 42 та йирик саноат корхонаси томонидан “яшил белбоғлар” барпо этилади. Вилоятда мавжуд 17 та чиқинди полигони атрофига давлат-хусусий шериклик тамойили асосида фаолият юритаётган корхоналар ҳудудида терак ва тол кўчатлари экилиб, иҳотазорлар яратилади.

Таъкидлаш жоизки, 2022 — 2024 йилларда вилоятда 147 гектар ер майдонида “Яшил жамоат парклари” ташкил этилди. Бу йилги куз мавсумида яна 23,5 гектар ерда шундай парклар барпо этиш мақсад қилинган.

Ҳозирги кунга қадар жорий куз мавсумида экишга яроқли 40 турдаги 47,6 миллион туп кўчат захираси тайёрлаб қўйилди. Бундан ташқари, терак қаламчалари захирасини кўпайтириш учун амалий чоралар кўрилмоқда.

Мавсумда кўчатлар нархи барқарорлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳарда тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда 102 та кўчат ярамаркаси ҳамда савдо нуқтаси ташкил этилади.

Дала чети, ариқбўйи ҳам бўш қолмайди

25 октябрдан 1 декабргача давом этадиган кузги кўчат экиш мавсумига Хоразм вилоятида ҳам пухта тараддуд кўрилди. Бу йўналишда ишлаб чиқилган манзилли дастурга асосан вилоят бўйича 6 миллион 156 минг туп кўчат экиш мўлжалланяпти. Воҳанинг тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, асосан, гужум, тут, терак, каталпа, тол, тўронғи каби манзарали, жийда, беҳи, узум, анор, анжир сингари мевали дарахт кўчатлари экишга тайёрланган.

Сув яхши етиб бормайдиган ҳудудларда кўчатларни суғориш тизимини йўлга қўйиш мақсадида 72 та сув қудуғи ўрнатилди, сув ташувчи 25 та махсус техника шай қилиб қўйилди. Хонқа туманида фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирокида кўргазмали семинар ташкил этилиб, унда дала четларида бўш ётган ерлардан самарали фойдаланиш, жумладан, мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экиш бўйича амалий тавсиялар берилди.

— Фермер хўжалигимиз тасарруфидаги дала майдонларининг четларига, ариқ ва зовурлар бўйига 15 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатини экишга тайёрладик, — дейди Хонқа туманидаги “Қутлижамол” фермер хўжалиги раҳбари Шихназар Аминов. — Кўчат экиш ва парваришлаш учун қўшимча ишчи олиб, ишсиз ёшларнинг бандлигини ҳам таъминлаяпмиз. Юртимизда бу эзгу ташаббус доирасида амалга оширилаётган ишлар экологик мувозанатни сақлаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Кўчатлар «Yashilmakon.eko» электрон платформасига киритилмоқда

Наманган вилоятининг Норин туманидаги “Дадажон ота” фермер хўжалигида муҳим тадбир олдидан кўргазмали маслаҳатлашув йиғини ташкил этилиб, қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштириладиган дала майдонлари четини кўкаламзорлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

— Ернинг ҳар бир қаричи ҳисобли бўлган бизнинг шароитимизда дала четларидан унумли фойдаланиш доимо устувор бўлиб келган, — дейди Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш республика агентлигининг тумандаги вакили Фурқатжон Тўйчиев. — Бу яшил майдонлар барпо этишда ҳам катта имконият дегани. Кўпчилик йиғилган бугунги тадбирда фермер хўжалиги томонидан тайёрлаб қўйилган ерларга 600 тупдан кўпроқ ток, тут, шафтоли,

бодом, жийда кўчатлари ўтқаздик. Тўпланганлар уларни кўкартириб олиш ҳамда парваришини ташкил этиш бўйича илмий ва амалий тажрибага эга мутахассислар тавсияларини тинглади. Бу жорий йил кузида туманимиздаги 358 та фермер хўжалигининг 276 гектар ерига тупроқ иқлим шароитидан келиб чиқиб, 811 мингдан зиёд тут, ток ва мевали кўчатлар экиш бўйича белгиланган вазифа ижросида қўл келиши табиий.

Мавсум давомида вилоят бўйича 6,5 миллиондан ортиқ мевали, манзарали дарахт ва бута кўчатлари экиш режалаштирилган бўлиб, мавжуд яшил боғлар ҳамда “Яшил жамоат парклари” сони кескин кўпаяди. Бундай масканлар нафақат маҳалла марказлари, балки янги қурилаётган кўп қаватли тураржой бинолари атрофида ҳам барпо этилаётгани эътиборга молик.

Чунончи, Поп, Чуст, Чортоқ, Тўрақўрғон ва Янги Наманган туманларида 35,2 гектардан ортиқ майдонлардаги ана шундай яшил ҳудудлар атроф-муҳитнинг экологик софлигини таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда. Давлатобод туманида 68 гектар майдонни эгаллаган “Янги Ўзбекистон” боғининг дастлабки 9 гектарида кўкартирилган 4 минг тупдан ортиқ қимматбаҳо манзарали дарахт кўчатлари яшнаб ўсмоқда. Вилоятда йирик саноат корхоналари ва уларга туташ жойларда “яшил белбоғ”лар яратиш борасида анчагина тажриба тўпланган. “Чуст текстиль” МЧЖ, Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси ва бошқа хўжалик юритиш субъектларидаги мевали боғлар, манзарали дарахт қаторлари бунга яққол мисол бўлади.

— Кўчат ўтқазиш хайрли ишнинг бошланиши, амалда экилган ниҳолларни тўла кўкартириб олиш ва улар парваришини йўлга қўйиш билангина кўзланган мақсадга эришиш мумкин, — дейди вилоят Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси бошлиғи Аъзамжон Жалилов. — Масаланинг айни жиҳатига эътибор қаратиб, жойларда 16,8 километр узунликда замонавий суғориш тизимлари ишга туширилди. Тўрақўрғон ва Чуст туманларида қазилган тик қудуқлар суви янги боғларни суғоришга йўналтирилган. Аҳоли тураржойлари, ишлаб чиқариш корхоналари, таълим муассасалари ҳудудига экилган ҳар бир туп кўчатнинг эгаси бор, парвариши ва муҳофазаси доимо назоратда. Ниҳолларнинг катта қисми “Yashilmakon.eko” электрон платформасига киритилган.

Бугунги кунда ўрмон фонди ерларида оилавий тадбиркорлар томонидан 18,6 гектар майдонда 2,1 миллион туп манзарали дарахт, бута ҳамда мавсумий гул кўчати кўчиришга тахт. Бунга ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари, бошқа қатор субъектларда тайёрлаб қўйилган миллионлаб кўчатлар қўшилса, имконият кўлами янада ойдинлашади.

Энди кўчатларнинг эгаси бор

Самарқанд вилоятида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида жорий баҳор мавсумида вилоят ҳудудида 10,3 миллиондан зиёд мевали ва манзаралари дарахт, бута кўчатлари экилган эди. Кузги мавсумда эса салкам 7 миллион туп кўчат экиш мўлжалланган ва бу иш бошлаб юборилди.

Вилоятнинг шаҳар ва туманларида “Яшил жамоат парклари”, 19 гектар майдонда 16 та “Ҳокимлик боғи”, шунингдек, давлат ташкилотлари томонидан 50 сотиҳдан 2 гектаргача ерда ташкилот боғлари барпо этиш ҳаракатлари қизғин тус олди. 7 та шаҳар ва туманда 28,4 гектар яшил боғлар ҳамда атроф-муҳитга таъсир хавфи 1 ва 2-тоифага кирувчи йирик саноат корхоналари томонидан 71,8 гектар майдонда 120 минг туп кўчат экилиб, “яшил белбоғ” яратилади.

Булунғур, Жомбой туманлари ҳамда Самарқанд шаҳри ҳудудидан ўтувчи темир йўл ёқасида 41 километр масофада 24,9 гектар ер майдонида салкам 31 минг туп бодом, қайрағоч ва терак кўчатлари экилиб, яшил майдонлар ташкил этилади.

— Кўчат экиш ишларини сифатли амалга ошириш учун вилоятдаги 52 та кўчатхонада 10 миллион 237 минг туп захира яратилган, — дейди вилоят Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси бошлиғи ўринбосари Бобур Санақулов. — 11 октябрь куни Президент раислигида туризм ва маданият масканлари имкониятини тўлиқ ишга солиш ва “Яшил макон” кузги мавсумини ташкил этиш бўйича ўтказилган йиғилишда берилган топшириқлардан келиб чиқиб бошқармамиз вакиллари, прокуратура ва тегишли ташкилотлар масъуллари вилоятнинг марказий кўчалари бўйидаги бўш турган ва ташландиқ ерларда яшил боғлар барпо этиш мақсадида ўрганиш ишларини олиб бормоқда.

Бундан ташқари, жорий кузги мавсум давомида вилоятнинг 16 та шаҳар ва туманида яшил боғларни ташкил этиш учун ажратилган шудгорланган ерларнинг мелиоратив ҳолати ҳам таҳлил қилиняпти.

Кўчат экилганидан сўнг уни тўлиқ кўкартириб олиш, парваришлаш ҳам муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шу боис кўчат экиш, кўкаламзорлаштириш тадбирлари давомида 55 километрдан зиёд суғориш тармоқлари қазилади ва 25 та ер ости сув чиқариш қудуғи қайта тикланади. Бунинг учун 6,1 млрд. сўм маблағ эвазига туманлар ободонлаштириш бошқармаларига 8 та махсус техника харид қилинган. Энг муҳими, бу саъй-ҳаракатлар айни пайтда қизғин тус олмоқда.

Бугун юртимиздаги кексаю ёш кўчат экиб, боғ яратиш савобли иш эканини чуқур англагани ҳолда умумхалқ ҳаракатига отланмоқда. Кузнинг этни жунжиктирувчи салқин ҳавоси эсиб турган бўлса-да, масалан, бугун ҳар бир нуроний ўзи, оиласи, фарзандлари, шу юртнинг эртанги куни учун лойиҳанинг фаол иштирокчисига айланган. Бу — юртга муҳаббат ва садоқат белгиси, ўзи туғилиб ўсган, томир отган муқаддас заминга вафодорлик намунаси, десак, сира муболаға қилмаган бўламиз.

Жорий йил кузда она замин бағрига 85 миллион туп кўчат экиш кўзда тутилган. Бу ҳазилакам иш эмас. Бизни ташвишлантираётган жиҳат эса умид билан экилган кўчатларнинг қанчаси яроқ ёзади? Қанчаси азим дарахт бўлиб, иқлим ўзгаришларига қалқон бўлади? Бу эса сизнинг, бизнинг ва барчамизнинг экилган ҳар бир ниҳолга парвона бўлиб, меҳр беришимизга боғлиқ. Зеро, қоғоздагиси эмас, амалдагиси, ҳисоботдагиси эмас, реал ҳаётдагиси муҳим эканини ёддан чиқармайлик.

«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА

GLOBAL JAMG‘ARMANING «O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA AHOLINING ZAIF GURUHLARIGA ALOHIDA E’TIBOR QARATGAN HOLDA 90-90-90 VA STOP-TB MAQSADLARIGA ERISHISH BORASIDAGI FAOLIYATNI KUCHAYTIRISH»
(UZB-C-RAC #2501)
DASTURI

O‘zbekiston Respublikasida OITS va silga qarshi kurashish borasida chora-tadbirlarni amalga oshirish bo‘yicha xizmat ko‘rsatish uchun SO‘ROVNOMA

Umumiy ma’lumot:
Global jamg‘arma boshqaruvi qaroriga muvofiq, O‘zbekiston Respublikasiga 2025 — 2027-yillarda «O‘zbekiston Respublikasida aholining zaif guruhlariga alohida e’tibor qaratgan holda 90-90-90 va STOP-TB maqsadlariga erishish borasidagi faoliyatni kuchaytirish» dasturining chora-tadbirlarini amalga oshirishni davom ettirish uchun texnik ko‘mak mablag‘larini olish imkoniyati taqdim etilgan.

OITS va silga qarshi kurashish borasida chora-tadbirlarni amalga oshirishni davom ettirishdan maqsad aholi o‘rtasida OIV/OITS va sil kasalligi tarqalishining oldini olish, OIV/OITS va sil kasalligining aholining xavfli guruhlariga ta’sirini kamaytirish hamda ushbu sohalarda profilaktika, davolash, parvarish qilish va qo‘llab-quvvatlash xizmatlariga kirish imkoniyatini ta’minlash hisoblanadi.

Respublika OITSga qarshi kurash markazi shuni ma’lum qiladiki, moliyalashtirish muddati 2025-yil 1-yanvardan 2027-yil 31-dekabrgacha bo‘lgan davrda Global jamg‘armaning texnik ko‘mak mablag‘larini olish uchun OITS va sil komponentlari bo‘yicha arizani ishlab chiqish jarayoni boshlandi. Shu munosabat bilan

Respublika OITSga qarshi kurash markazi manfaatdor tashkilotlardan, shu jumladan, davlat sektori va fuqarolik jamiyatlaridan 2023-yilning 30-noyabriga qadar tegishli qiziqish bildirish xatlarini topshirish va tasdiqlovchi hujjatlarni muvofiqlashtiruvchi ishchi guruhi ko‘rib chiqishi uchun taqdim qilishingizni so‘raydi.

*Qiziqish bildirish xatlari rus yoki o‘zbek tillarida quyidagi manzil bo‘yicha qabul qilinadi: 100135, O‘zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri, Farhod ko‘chasi, 12-uy, 4-qavat. Qiziqish bildirish xatlari **2023-yil 30-noyabr soat 18.00 gacha** qabul qilinadi.*

Kelib tushgan Qiziqish bildirish xatlari O‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi huzuridagi Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi qo‘mitasi qaroriga muvofiq tashkil etilgan muvofiqlashtiruvchi ishchi guruhi tomonidan ko‘rib chiqiladi.

Sub-grant olish va/yoki Global jamg‘armaning texnik ko‘mak mablag‘larini olish uchun ariza ishlab chiqishda ishtirok etish bilan bog‘liq bo‘lgan qo‘shimcha ma’lumotni quyidagi manzildan olish mumkin:

100135, O‘zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri, Farhod ko‘chasi, 12-uy, 4-qavat.
UZB-C-RAC #2501 dasturi.
Telefon: (+998 97) 444 67 97
(+998 97) 344 84 94
E-mail: mamurjon.jumaboev@gfaids.uz / ismoil.jafarov@gfaids.uz
va/yoki Global jamg‘armaning saytida: https://www.theglobalfund.org/

O‘zbekiston davlat konservatoriyasi huzuridagi Botir Zokirov nomidagi Milliy estrada san’ati instituti

quyidagi kafedralar bo‘yicha lavozimlarga tanlov e’lon qiladi:
Estrada xonandaligi kafedrasi — katta o‘qituvchi (1);
Estrada cholg‘u ijrochiligi kafedrasi — katta o‘qituvchi (2); professor (1);
Kompozitorlik va aranjirovka kafedrasi — professor (1);
Musiqiy-nazariy va tarixiy fanlar kafedrasi — professor (1);
Estrada orkestr dirijyorligi kafedrasi — kafedra mudiri.

Tanlovda ishtirok etish uchun da’vogarlar quyidagi hujjatlarni taqdim etishlari lozim:
rektor nomiga ariza;
xodimlar shaxsiy varaqasi;
oliy ma’lumoti, ilmiy darajasi, ilmiy unvoni haqida diplom va attestatlarning nusxalari;
o‘quv-uslubiy, ilmiy tadqiqot va ilmiy-ijodiy ishlari ro‘yxati;
mutaxassislik bo‘yicha oxirgi uch o‘quv yilida malaka oshirganligi to‘g‘risidagi guvohnoma va sertifikatlar nusxasi.

Arizalar e’lon chiqqan kundan boshlab bir oy muddat ichida Botir Zokirov nomidagi Milliy estrada san’ati institutining xodimlar bo‘limi tomonidan qabul qilinadi.

Manzil: Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, Botir Zokirov ko‘chasi, 1-uy. O‘zDK huzuridagi Botir Zokirov nomidagi Milliy estrada san’ati instituti.

Telefonlar: 97-139-35-25, 90-989-13-89.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси корхонада узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатган меҳрат фахрийси

Қосим АҲМЕДОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила-аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1041. 32 669 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6